



2021 yil "31" mart № 84-01-413

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 8 февралдаги Олий ва профессионал таълимнинг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва уларни бартараф этишга бағишланган йиғилиш баёнининг 15-бандида белгиланган вазифалар ижросини бажариш ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган натижаларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш мақсадида олий таълим муассасаси Матбуот котибининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир Минимал талаблар ишлаб чиқилди (1-илова).

Мазкур Минимал талаблар асосида:

2-иловада келтирилган рўйхатдаги олий таълим муассасалари жорий йилда тажриба-синов тариқасида матбуот котибининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлаш чораларини кўриш;

бошқа олий таълим муассасаларига матбуот котибининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлаш тавсия этилади.

Илова: 16 бет.

Вазир



А.Тошқулов



Вазирликнинг 2021 йил 31 мартдаги
14-01-УБ -сон хатига 1-илова

Олий таълим муассасаси матбуот котибининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

Мазкур Минимал талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон қарорининг 4-банди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 8 февралдаги Олий ва профессионал таълимнинг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва уларни бартараф этишга бағишланган йиғилиш баёнининг 15-бандига мувофиқ олий таълим муассасалари Матбуот котиби (бундан буён матнда – матбуот котиби деб юритилади)нинг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларни белгилайди.

1. Матбуот котибининг самарали фаолият олиб бориши учун қуйидаги зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим:

- 1 та алоҳида хизмат хонаси;
- 1 та алоҳида медиа студия хонаси;
- мебель жиҳозлари (стол, стуллар ва шкаф);
- 1 та металл шкаф;
- 1 та иш юритиш учун компьютер техникаси;
- 1 та сканер, 1 та нусха кўчирувчи аппарат, 2 та принтер (1 таси рангли) ёки ушбу қурилмалар функциясини бажарувчи 2 та кўп функцияли принтер;
- компьютер учун алоҳида UPS қурилмаси;
- телефон алоқаси ва телефон аппарати;
- интернет тармоғи;
- канцелярия анжомлари (сони ва миқдори заруриятга кўра).

2. Медиа студия хонаси қуйидаги моддий-техника воситалари билан жиҳозланиши лозим (ушбу техника воситаларининг суратлари (рақамлар бўйича) илова қилинади):

- 1 та – EOS 5D Mark IV Камера (1);
- 1 та – суфлёр (2);
- 1 та – портатив мини суфлёр (3);
- 2 та – студия учун ёритувчи қурилмалар 1 (4);
- 2 та – студия учун ёритувчи қурилмалар 2 (5);
- 1 та – DJI Ronin-S Standard (6);
- 1 та – камера учун штатив MEGABOOM (7);
- 1 та – камера учун стандарт штатив (8);

- 1 та – жойларга чиқиб тасвирга олиш учун ёритувчи қурилмалар (9);
- 1 та – универсал штатив ферма (10);
- 2 та – ёритувчи қурилмалар учун штатив (11);
- 1 та – хромакей 3x3 (12);
- 1 та – монтаж учун компьютер (тўлиқ комплект) (13);
- 1 та – овоз ёзиш учун компьютер (тўлиқ комплект) (14);
- 1 та – аудиомикшер (15);
- 1 та – овоз ёзиш учун микрофон (16);
- 1 та – тасвирга олиш учун микрофон (17);
- 1 та – петличкали микрофон+база (18);
- 1 та – суфлёр учун ноутбук (19);
- 2 та – камералар учун флешкалар (20);
- 1 та – экшн-камера Go Pro (21);
- 1 та – монопод (22);
- 1 та – камералар учун объективлар 72-100 (23);
- 1 та – камералар учун объективлар 16-35 (24);
- 1 та – камералар учун объективлар 50 (25).

3. Матбуот котиби учун қуйидаги ҳужжатлар фонди яратилиши лозим:
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизимидан узлуксиз фойдаланиш имконияти;

оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари (сони, номи ва миқдори заруриятга кўра).


4. Олий таълим муассасалари ректор(директор)лари матбуот котиби фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилишига масъулдир.

5. Олий таълим муассасалари ўз маблағлари ҳисобидан матбуот котиби учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича мазкур Минимал талабларда назарда тутилмаган бошқа шарт-шароитларни ҳам яратиши мумкин.


6. Мазкур Минимал талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида бўлмаган олий таълим муассасалари учун тавсиявий характерга эга.



1



2









9



10




11



12



15



16





17



18

19




20




21



22



23



24




25



6000

6000

6400





Вазирликнинг 2021 йил 31 мартдаги
84-01-413-сон хатига 2-илова

**Матбуот котибининг иш жойи минимал талаблар асосида моддий-техника жиҳатидан жиҳозланадиган олий таълим муассасалари
РЎЙХАТИ**

1. Қорақалпоқ давлат университети
2. Урганч давлат университети
3. Навоий давлат педагогика институти
4. Бухоро давлат университети
5. Самарқанд давлат университети
6. Қарши давлат университети
7. Термиз давлат университети
8. Жиззах давлат педагогика институти
9. Гулистон давлат университети
10. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
11. Андижон давлат университети
12. Наманган давлат университети
13. Фарғона давлат университети
14. Ўзбекистон Миллий университети
15. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
16. Тошкент давлат педагогика университети